

---

## ТАДБИРКОРЛАР ҚАБУЛИ ЎТКАЗИЛДИ

Бугун Марғилон шаҳридаги "Тадбиркорлар уйи" да шаҳар ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари ва мутасадди ташкилот вакиллари иштирокида навбатдаги тадбиркорлар қабули ўтказилди.

Қабул давомида банк кредитлари, тадбиркорликни бошлаш учун жой олиш, кадастр ва бошқа масалаларда 14 нафар тадбиркорларнинг мурожаатлари тингланди.

Бу мурожаатларнинг аксарияти жойида ҳал этилган бўлса, ечими маълум вақт талаб этадиган масалалар бўйича соҳа мутасаддиларга аниқ вазифалар юклатилди.

Барча мурожаатларнинг ижроси сектор раҳбарлари томонидан назоратга олинди.

2023-11-30 17:14:57